

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
HARBIY-TEXNIK INSTITUTI**



**“MILLIY GVARDIYA HARBIY XIZMATCHILARINI
HUQUQIY TARBIALASHNING DOLZARB MASALALARI”
MAVZUSIDAGI**

Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi

2020 yil 25 dekabr



Toshkent-2020

КБК-88.4

Sh-19

Milliy gvardiya harbiy xizmatchilarini huquqiy tarbiyalashning dolzarb masalalari // Respublika onlayn ilmiy-amaliy konferentsiyasi materiallari. – Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2021. - 204 bet.

Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirib borish qonun ustuvorligini ta‘minlash va qonuniylikni mustahkamlashning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi. Har qanday davlatning ijtimoiy rivojlanishi o‘sha davlat fuqarolarining, ayniqsa huquqni muhofaza qiluvchi organlar xodimlarining -huquqiy biliml, -huquqiy ongi va -huquqiy madaniyatil bilan bog‘liq bo‘ladi. Chunki, yuksak darajada rivojlangan huquqiy -bilim-ong-madaniyatilsiz huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini qurish mumkin emas. Yuksak darajadagi huquqiy bilim, ong va huquqiy madaniyat esa huquqiy ta‘lim-tarbiyaning mahsuli. Milliy gvardiya tizimi uchun yuksak ma‘naviyatli professional kadrlarni tayyorlashda, xususan ularning huquqiy biliml, ongi va madaniyatini shakllantirishda huquqiy ta‘lim-tarbiya asosiy o‘rinni egallaydi.

Mazkur to‘plam Milliy gvardiya tizimida faoliyat xodimlarining ham keyingi yillarda erishgan yutuqlari e‘tirof etiladigan darajada bo‘lgani bilan xali bu sohaga olib kiriladigan zamonaviy yangiliklar texnik, huquqiy bilimlar ko‘plab kuch va imkoniyat va vaqt talab qilishi va harbiy ta‘lim tizimini yanada rivojlantirish tizimiga innovatsion yangiliklarni olib kirish yuzasidan taklif va tavsiyalarni ishlab chiqishga bag‘ishlangan maqolalarni o‘z ichiga olgan.

Mas‘ul muharrir: p.f.d., professor Akramova Sh.A.

Tahrir hay‘ati: p.f.d., professor Mahmudov R.M.

p.f.b.f.d. (PhD) Alimardonov Z.Sh.

p.f.b.f.d. (PhD) Ikmatullaev G.Z.

To‘plamga kiritilgan ma‘lumotlarning to‘g‘riligi va aniqligi uchun mualliflar mas‘ulligi belgilangan.

© O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2021

proseminar va magistrlik dissertatsiyalarini tayyorlashni nazorat qilish va innovation pedagogik tadqiqotlar bilan tanishtirib borish va h.

- jamiyatning barcha o'zgarishlari talabidan kelib chiqib kelajak ta'lim dasturlarini ishlab chiqish va ularga bolalarni yetarli darajada tayyorlash va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi –O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida Igi PF-5712-son Farmoni.- O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 29.04.2019 y., 6/19/5712/3034-son, 2019 y.

2. Зиннатова, Д.М. Альтернативные дидактические системы за рубежом (XX в.) /Д.М. Зиннатова, А.А. Ватеев. - Казань: Изд-во «Отечество», 2013.- 184 с.

3. Сурина (Стельник), В.В. Коммуникация как смысловой аспект социального взаимодействия / В.В. Сурина // Меняющаяся коммуникация в меняющемся мире-8: сб. ст. / отв. ред. И.С. Бессарабова. – Волгоград, 2014.

ЁШЛАРДА ХУКУКИЙ МАДАНИЯТ, ИНСОН ХУКУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА НИСБАТАН ХУРМАТ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Хикматов Анвар Иzzатуллаевич
Бухоро давлат университети
Харбий таълим факультети ўқитувчиси*

*Жунайдуллаев Мэлс Аслиддин ўғли
Мустақил изланувчи, Бухоро давлат университети,Харбий
таълим факультети*

Аннотация: Мазкур мақолада ёшларда қандай қилиб ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш йўллари борасидаги фикрлар муҳокама этилган. Шунингдек, мақолада ёшларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш ҳақидаги фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий онг, миллий ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий маданият, органлар, ҳуқуқий саводхонлик, эркинлик, ҳуқуқий иммунитет

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, ёшларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узок йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий кадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларида, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар

билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан химоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш муҳимдир. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

- ёш авлод онгида ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

- аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий кадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик хиссини кучайтириш;

- давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш кабилар устувор ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда кўшимча ҳуқуқий маълумотлар (юримдик лугат, ҳуқуқий адабиётлар электрон майдончаси, қонун ҳужжатлари лойиҳалари муҳокамаси бўйича онлайн форум ва бошқалар) етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет порталини яратиш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Қолаверса, ёшлар умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўламни янада кенгайтириш ҳам муҳим ўрин тутди.

Сўнгги йилларда ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилинди. Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини кенгайтириш чораларини кўрилган.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳолати ҳамда бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш учун тадқиқотлар ва сўровлар ўтказиб борилди. Зарур ҳолларда, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар, хорижий экспертларни Концепция ва –Йўл харитасини самарали амалга оширишда иштирок этишга, шунингдек, жамиятда ёшларни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилишга ва натижаси бўйича зарур чора-тадбирларни белгилашга кенг жалб қилиниши ҳам мумкин.

Давлат бошқаруви органлари жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмасини бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/-4149765>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 227-модда
3. <https://gubkin.uz/uz/sveden/1093/yoshlarning-huquqiy-ongi-va-huquqiy-madaniyatini-oshirish>

муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ахлоқий-руҳий тайёргарлигининг илмий-назарий асослари.....	
Эрназаров А.А. Ҳарбий хизматчиларнинг касбий деформациясини олдини олишда ҳуқуқий маданиятнинг роли.....	110
Жўраева С.Н., Турсунов Б.С. Ҳарбий хизматчиларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришнинг муҳим шартлари.....	115
Маҳкамов Э. М. Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички кўшинлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	119
Saitkulova N.R. Huquqiy madaniyatini shakllantirishda o'rtasrlar sharq mutafakkirlari ma'naviy merosining roli.....	124
Razakova Sh.D. Yoshlarda huquqiy madaniyat va ongni shakllantirishda fuqarolik tarbiyasining ahamiyati.....	130
Муталипова М.Ж. Ёшларда фидойилик фазилатини шакллантиришда танқидий фикрлашнинг аҳамияти.....	141
Жўраева С.Н., Турсунов Б.С. Релаксацион машғулотларнинг курсантлар таълим олишига таъсири.....	145
Baqoyev Sh.H. Milliy gvardiya organlari faoliyatining huquqiy asoslari va covid-19 pandemiyasi davridagi roli.....	150
Жўраева С.Н., Юнусходжаев З.Ш. Курсантларда ҳуқуқий-психологик саводхонликни шакллантиришнинг роли.....	155
Iminov A.A., Suyundikov L.A. Yoshlarda huquqiy madaniyat, inson huquqlari va erkinliklariga nisbatan hurmat munosabatini shakllantirish	162
Исамова П. Ш. О подготовке студенческой молодежи к семейной жизни.....	167
Umirova D.K. Important foundations of the formation of legal culture in young people.....	172
Тўрахонов Ш.Ж. Ҳарбий оилаларда психологик иқлимнинг фарзанд камолотига таъсири.....	179
Qurbonova O'.U. Yoshlarda huquqiy madaniyat, inson huquqlari va erkinliklariga nisbatan hurmat munosabatini shakllantirishda muqobil didaktik tizimlardan foydalanish istiqbollari.....	183
Ҳикматов А.И., Жунайдуллаев М.А. Ёшларда ҳуқуқий маданият, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш.....	191
Jamolova N. Q. Yoshlarda huquqiy madaniyat, inson huquqlari va erkinliklariga nisbatan hurmat munosabatini shakllantirish.....	195

**“MILLIY GVARDIYA HARBIY XIZMATCHILARINI HUQUQIY
TARBIYALASHNING DOLZARB MASALALARI”
MAVZUSIDAGI**

**Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi
materiallari**

2020 yil 25 dekabr

**Muharrir: Akramova Sh.A.
Kompyuterda sahifalovchi: Karimova B.N.**

Bosmaga ruxsat etildi 2021 yil yanvar Buyurtma № _____ Formati _____
Hajmi _____ Bosma tezkor usulda. Bepul. Adadi _____

O_zbekiston Respublikasi MG HTI bosmaxonasi